Кимни амали ортга сурса

07:10 / 13.04.2019 2103

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ بَطَّأَ بِهِ عَمَلُهُ، لَمْ يُسْرِعْ بِهِ نَسَبُهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

24. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимни амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди»**, дедилар».*

Муслим ривоят қилган.

* Кимнинг амали ноқис бўлса, насаби уни кўп амал қилганларнинг мартабасига етиштирмайди. Шунинг учун киши насл-насаби, ота-онасининг фазилатига ишониб, амал қилишдан тўхтаб қолмаслиги лозим.